

ЖАЛК СУЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

29 МАЙ, ШАНБА № 104 (609) 1993 йил. Сوتувада эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚУЙИДА ЧОП ЭТИЛАЁТГАН ФАРМОННИНГ БОШ МАҚСАДИ АҲОЛИ БАРЧА ТАБАҚАЛАРИНИНГ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1993 йилнинг 1 июнидан меҳнат ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, болали оилалар ижтимоий нафақаларининг миқдорларини ошириш ҳамда республиканинг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида

ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВ ЧИМКЕНТДАГИ ТАНТАНАЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

28 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Имом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифига кўра Чимкент вилоятида бўлди. У ерда ўн сақкизинчи асрда яшаган атоқли қозоқ давлат арбоблари Туле бий, Қозибек бий, Айтеке бийларнинг хотирасига бағишланган тантаналарда иштирок этди. Вилоятнинг ўрдабоши манзилида ўтган бу тантаналар Туронзамин халқларининг чинакам дўстлик намойишига айланди.

(ЎзА).

МИСРДАН МАКТУБ

Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Хусни Муборак Ўзбекистон Президенти Имом Каримов номига мактуб йўллаб, шахсан уни ва Ўзбекистон халқини Қурбон ҳайити билан самимий табриқлади.

(ЎзА).

ЭКОЛОГЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Ўзбекистон пойтахтида Халқаро экология кенгаши (ХЭК)нинг учинчи сессияси очилди. Бу кенгаш МДХга аъзо бўлган давлатлар бошқаруви қарорига биноан тузилган эди. Сессия ишда Арманистон, Беларусь, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон табиғат муҳофазаси қилиш вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашмоқдалар. Озарбайжон ва Гуржистон вакиллари, шунингдек БМТнинг атроф муҳит дастури—ЮНЕП вакиллари учрашувга кузатувчи сифатида қатнашди.

Сессиянинг кун тартибига бир туркум масалалар, шу жумладан ташкилий масалалар киритилган. — дегди ХЭКнинг ижроия котиби Т. Ф. Ямчук. — Минск ва Алматыда ўтказилган аввалги сессияларда бу соҳада муайян иш қилинган — кенгаш ХЭК ҳақида ва унинг доимий ишчи мақамаси — котибиат тўғрисидаги қарорларни қабул қилган эди, давлатлараро экология жамағатининг тузилиш ҳақида ҳам қарор қабул этилган. Тошкентда ХЭК ишнинг тартиб-қоидалари белгилаб олинди, ягона меъёрий ҳужжатлар ва андозаларни ишлаб чиқиш учун иш гуруҳи тузилиши, шунингдек ХЭКга аъзо бўлган давлатларнинг ЮНЕП ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳақида келишиб олинди.

Экологларнинг Тошкент учрашувиде экологияга оид энг муҳим муаммолар кўриб чиқилди. Чунонин, сессиялар ўртасида ишлаган иш гуруҳлари қўшлар ва сут эмульсияларнинг фелларга қараб кўчиб юрвучи турларини, уларнинг яшаш жойларини муҳофазаси қилиш ва улардан фойдаланиш ҳақида битим лойиҳасини тайёрлаб қўйган. ХЭКнинг «Янги экология мониторинги» халқаро лойиҳасида иштирок этиши тўғрисида, ХЭКга аъзо бўлган давлатларни атроф муҳитнинг ҳолати устидан назорат қилиш

(ЎзА мухбири).

Меҳнат ҳақини ошириш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш бошқа миқдорларга нисбатан арзироқ нархдаги моллар ва буюмлар анча миқдорда олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 7500 сўм; фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 7500 сўм миқдорига; меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 8125 сўм қилиб белгилансин, ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турлардаги пенсияларнинг миқдори 2,5 баравар оширилсин.
2. Олий ўнвуч қуртлари талабаларининг, техникумлар ва хунара-техника билан юрт-

3. Болали оилаларнинг ижтимоий нафақалари 2 баравар оширилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги иш ҳақини, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни оширишга маъмурият Фармонда кўзда тутилган сарф-харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқласин.
5. Бюджетдан пул билан таъминланмайдиган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, ташкилотлар ва муассасалар ушбу Фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф септаси разрядларига мувофиқ ходимларнинг мансаб оқладлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқишини таъминласинлар.
6. Қўшимча қийматга белгиланган солиқнинг 5 фоизи корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида қолдирилиб, улар меҳнатга ҳақ тўлашни қўпайтиришга сарфлансин.
7. Мулкчилик шакллари-

дан қатъи назар, хўжалик ҳисобидидаги корхоналарга, ташкилотларга, муассасаларга ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан иш ҳақининг янги энг оз миқдорларини жорий этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш, даромад манбалари чекланган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсадни кўзлаб бермайдиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан ошириш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, тижорат банклари корхоналарини, ташкилотлар ва муассасаларини йиллик 3 фоиздан ошмайидиган тўлов шарти билан 45 кун муддат ичида зарур кредит маблағлар билан таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республи-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ ПАХТА, ЧОРВА ВА СУТ, АЙРИМ ТУРДАГИ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикага етказиб берилмайдиган ёрлик, моддий-техника ва бошқа ресурсларнинг қимматлашиб бораётгани муносабати билан, шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўпроқ мустақиллиги бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва-

1993 йил пахта ҳосилининг харид нархларини 1-иловага мувофиқ: чорва ва сутнинг харид нархларини 2-иловага мувофиқ ошириш тўғрисидаги тақдирларни қабул қилинсин.

2. 1993 йил ҳосилидан: мева-сабзавот маҳсулотларининг чекланган харид нархлари 3-иловага мувофиқ белгилансин; шили, пишган ва са-

маҳсулотлари ва куруқ мева-ларнинг харид нархларини ўзгартириш тўғрисида» 1992 йил 14 апрелдаги 188-сон қарори 2-банди 3-хат бошининг амал қилиши сақлаб қоллинсин. Унда белгиланган мева-сабзавот маҳсулотларини республикадан ташқарига ҳужуматлараро битимлар ва тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларига биноан етказиб берадиган корхоналар, хўжаликлар ва

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 27 МАЙДАГИ 257-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

1993 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИ

(бир тонна учун сўм)

Пахта толаси типлари	Пахтанинг саноат навлари			
	1	2	3	4
Ингичка толали				
1 тип	160000	141000	72000	25300
2 тип	143000	130000	72000	25300
3 тип	132000	117000	72000	25300
Ўрта толали				
4 тип	127500	110000	68900	25300
5 тип	119400	103000	68900	25300
6 тип	94000	85000	65500	25300
7 тип	90800	81600	63200	25300

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 27 МАЙДАГИ 257-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

ЧОРВА ВА СУТНИНГ ЧЕКЛАНГАН ХАРИД НАРХЛАРИ

бир тонна учун сўм (ўрта ҳисобда)

Қорамол, йилги ва туялар	393600
Чўчқалар	495600
Қўй ва эчкилар	325600
Егиллиги 3,6 фоизли сут	50000

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 27 МАЙДАГИ 257-СОН ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА

КАРТОШКА ВА МЕВА-САБЗАВОТНИНГ ЧЕКЛАНГАН ШАРТНОМАВИЙ НАРХЛАРИ

Маҳсулот	Сотиш даври*)		бир тонна учун сўм
Картошка	21 майдан 10 июлгача	11 июлдан 10 октябргача	
Бошпиез	21 июлдан 11 июлгача	11 июлдан 10 октябргача	30000
*) Йилнинг қолган давларида маҳсулотларнинг ушбу турлари шартномавий (эркин) нархларда сотилади.			14000

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 27 МАЙДАГИ 257-СОН ҚАРОРИГА 4-ИЛОВА

РЕСПУБЛИКАДАН ТАШҚАРИГА ЧИҚАРИЛАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИГА СОЛИНАДИГАН БОЖ МИҚДОРЛАРИ

(бир тонна учун сўм)

Маҳсулот	Давлат бож миқдорлари		
	май-июнь	июль-сентябрь	октябрь-декабрь
Картошка	7200	4500	—
Бошпиез	3200	2800	3600
Қорамол	3200	2000	4800
Чўчқалар	3200	3200	4800
Қизил помидор	40000	10000	12000
Янги узилган бодиринг	16000	2400	4500
Булғор қалампир	12000	3000	6000
Бақлажон	8000	2000	2400
Шолжом ва турп	4000	2000	3000
Ковуш	—	2000	2400
Олма	—	1400	1800
Тарвуз	20000	5000	7500
Нок	24000	8000	9000
Беҳи	—	4000	6000
Шафтоли ва ўрик	12000	4000	6000
Олхўри	—	4000	6000
Олча ва тоғолча	—	6000	9000
Анор	16000	6000	12000
Ўзум	20000	10000	12000
Қовушқоқи	20000	10000	15000
Еноғ	100000	30000	60000
Бодом	100000	60000	90000
Ерғоғ	50000	20000	30000
Лимон	125000	40000	75000
Хурмо	—	—	30000

Эслатма: Юқорида кўрсатилган бож миқдорлари 10 тоннагача бўлган маҳсулот бир марта четга чиқарилганда белгиланади, 10,1 тоннадан 20 тоннагача бўлганда бож миқдори 1,5 баравар, 20 тоннадан ортиганда 2 баравар қўпайди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҒИЛГИ ВА ЭНЕРГИЯНИНГ ЧЕКЛАНГАН УЛГҮРЖИ ВА ЧАКАНА НАРХЛАРИ ВА ТАРФИЛАРИНИ ҲАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Саноатнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва энергия ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб бюджетдаги ташкилотларга ва қишлоқ хўжалик ташкилотларига табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва кўмир солиқ шартномавий (эркин) нархлар бўйича амалда олинсин.
2. 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб аҳолига сотиладиган табиий ва суьюттирилган газ, кўмир, автобензин ва электр энергиясининг чекланган чакана нархлари йил-йилига мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан белгиладиган рўйхатлар бўйича уруш қатнашчилари ва фахрийларига, уруш ва меҳнат юртимчиларига чакана нархларнинг 50 фоизи даражасида имтиёзли нархда ҳар ойда 50 литр автобензин сотишининг белгиланган меъёри сақлаб қоллинсин.
4. 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб меъёрланган ҳақмидаги автобензиннинг чакана ва имтиёзли нархлари ўртасидаги фарққа биноан ҳаражатларнинг бир қисминини қоплаш учун талонлар ўрнига пул компенсацияси бериш назарда тутилган кўрсатилган тоифадаги имтиёзли эгаларига автобензин сотишининг талонсиз тизимига ўтилсин.

Ижтимоий таъминот вазирлиги, «Ўздавиефгамаҳсулот» акционерлик бирлашмаси ва Марказий банк Молия вазирлиги билан биргаликда пул компенсациясини ташкил этиш ва тўлаш тартибни 5 кун муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги табиий ва суьюттирилган газ, автобензин ва электр энергиясини учун янги чакана нархларнинг прекурантинни тасдиқласин, бу ҳақда уларнинг барча манфаддор ташкилотларга ўз вақтида етказилиши таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари кўмирнинг чакана нархлари прекурантларини тасдиқласинлар.

6. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб йил-йилига суьюттирилган газ, кўмир ва автобензин қолдиқларини қайта баҳолашга қўшилган сумма уларнинг ўз оборот маблағларини тўлдирishга йўналтирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 16 октябрдаги 474-сон қарорининг 3-банди, ва маъмур қарор 4-бандининг табиий ва суьюттирилган газ, кўмир, автобензин, электр энергияси чакана нархларини ўзгартиришга оид қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 27 май, 257-сон.

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!



Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Ийна торикун фикум асқақайини китобуллоҳи ва иррати. Албатта, мен сизларга микита нафис ва гўзал, олийжаноб нарсас — бири Аллоҳнинг китоби, иккинчиси ўз хонадоқимчи қолдирдим. (Саҳиҳ ҳадисларидан).

ИНСОНГА Аллоҳ-таоло томонидан ато этилган ҳаётида хайронли дақиқалар, секинчи дамлар бўлиб туршиш табиий ҳолидир. Ваъзан шундай ҳолатлар бўладики, одам қалбидан севинч ҳисси қайнаб, жўшиб, унинг бағрига сийма қолади-да, кўзларидан қатра ҳолида тошиб чиқади, бадаида ширин бир ҳорғинлик ҳукм суради, мушак ва томизлар бўшашиб, киши ўзини рўҳат уммонда сузиб юргандек ҳис этади. Одам алайҳиссаломнинг барча авлодлари каби, камона ҳам бундай ҳолатларни бир неча маротаба ўз бошидан кечирган. Айниқса, кейинги ўч-турт йил бундай қувончли ҳолатларга бой бўлди... Кейин, охиригидан бош-ла қолди.

Янгина вилоятимиз маркази бўлиши Фаргона шаҳридан тезда ташриф буюришини сўраб битилган махсус таклифнома олдими. Таклифнинг сабабини Ушбу ерга етиб боргандан сўнг билдим: шаҳарнинг Янгичек масжидида Мовароуннахр мусулмонлари ҳаётида катта аҳамият касб этадиган бир қувончли тадбирга ҳозирлик қўрилаётган экан...

...Аллоҳнинг инояти ва мустақиллик шарафати ила Ўзбекистон жаҳонга танилди. Йирки ва нуфузли давлатлар раҳбарларининг таклифларига жавобан Президентимиз Ислам Каримов аъло ҳазратлари қатор мамлакатларга ташриф буюриб, ҳар икки томон учун фойдали шартнома ва битимларни имзолаб қайтдилар. Шу жумладан, юртбошимиз ўтган йили Саудия Арабистонига — Ислам динининг бешиги, ватани ва маркази бўлиши табаррук диярга умра ва расмий ташриф юзасидан бориб келишга мўъassar бўлдилар. Юртбошимизнинг у ерда қандай обрў-эътибор ила кўтиб олиниши билан, у кишига кўрсатилган тезат-икромлар бизга матбуот ва ойнан жаҳон орқали маълум. Жаҳон дипломатияси удулларига қўра, икки давлат раҳбари учрашуваридида ўзаро ноб совғалар тўхфа этилади. Саудия Арабистонини подшоҳи, «икки муқаддас ҳарам хизматчиси» Фаҳд ибн Абдуазиз аъло ҳазратлари томонларидан тортиқ этилган шохона совғалар ичиди энг қийматлиси, энг муносиби, фикримизча, махсус нашр этилган Қуръони карим эди. Юртбошимиз ушбу мўътабар совғанинг қийматини, аҳамиятини яхши тушушган ҳолида, мусулмонларимиз унган амалий фойдаланишлари ва баҳра олишларини махсус қилиб, уни масжидлардан бирига тўхфа этишга қарор бердилар.

Бундан бир неча кун муқаддам юртбошимиз фарғоналик Тоҳиржон ҳожи Бўлдошқон ўғилларини ўз хузуралига чорлаб, муқаддас китобни фарғоналик мусулмонлар ва уламоларга етказишни сўрадилар. Бу кунги қувончли тадбир — юртбошимизнинг ушбу кутлуг совғаларини Янгичек масжиди тимсолида юртимизнинг мусулмонларига топириш маросими экан.

Ийд намозларини ҳисобга олмаганда, Янгичек масжиди биноси бундай шодивани учинчи бор ўз бошидан кечираётди: дастлабкиси — 1907 йилда, масжид биноси қуриб битказилиб, биринчи бор номоз ўқилганда, бўлган бўлса, иккинчи тантанавор ҳолат 1946 йилда, масжид қайта очилганда бўлиб ўтган экан. Ниҳоят, учинчи шодивана бу кунда, табаррук даргоҳнинг табаррук совғасига мушарраф бўлиш шарафини ила бўлаётган эди.

Шодивана маросими бошланмасдан олдинок табаррук совғани тавоф қилиб, кўздан кечириш бахтига, мўъassar бўлдим. Кўз олинмида ноб ёрқин монистафат усталарнинг олтин қўллари ила исси тўртбурчак шаклда тайёрланган анвойи бир қўти намоён бўлди. Қувваи ҳофизам янглишимса, қўтининг узунлиги 80 см, кенглиги 60 см, бадаллиги 20 см, чамасида бўлиб, ҳалифа Хорун ар Рашид замонларидида тайёрланган «Қуръоний қўти»ни эслатар эди. Қўтининг турли жилолардан товланиб турган қопқоғига Қуръони каримдан баъзи оятлар «Сул» услубида зарҳал билан битилган экан. Тоҳиржон ҳожи акамиз қўти қопқоғини аста очганларидида, инсон каломини ила таърифлаш қийин бўлган ноб ва муқаддас китоб — Каломулло намоён бўлди. Муқаддас китобни қўлимга олиб, кўзимга суртиб тавоф қилар эканман, юқорида таърифланган қоллатта тушдим, кўзларимдан севинч ёшлари жола қилди. Ҳозир бир лаҳзага арши аълода ҳис этадим...

Қўтининг ички қисмида бир қўл ҳаракати ила очиладиган лаҳз мавжуд экан. Ушбу лаҳз ҳам усталарнинг сеҳри қўлларида сайқал топган ўзига хос асори-атиқа экан. Қўтининг ички ёнидаги махсус мосламага, ҳар томонда ўн бештадан — жами ўттиз дона магнит тасмаси жалтақлари жойлашган бўлиб, уларга Саудия Арабистонининг, нафрат Саудиянинг баъзи ислом оламнинг энг нешқалли ҳофизи қуръонларидан саналмиш шайх Абдураҳмон Али қори томонларидан тилобат этилган ўттиз пара Қуръон битилган экан.

Ниҳоят, жамоат жамъ бўлишиб, табаррук тўхфани топириш шодиваниси бошланди. Аллоҳга наът ҳамда унинг Расулига саволат ўқилгандан сўнг Тоҳиржон ҳожи Бўлдошқон ўғиллари табаррук қўтини меҳроб яқинига олиб чиқиб оқдилар-да, Қуръони каримни қўлларида олиб тавоф қилдилар ва олтин суви ила битилган оятларни ўқиб, дуон фотиҳа қилиб, муқаддас совғани Фарғона шаҳар уламолар ҳайъати раиси Янгичек масжиди имом хатиб Абдували қори Абдуллоҳ ўғилларига ушбу масжидда умрбод сақлаш ва фойдаланиш учун юртбошимиз Ислам Каримов аъло ҳазратлари номларидан топирилди. Жамоат ўрғасида муқаддас тўхфа янада улугвор жозоба касб отар эди. Ушбу махсус чоп этилган муқаддас китоб, оммиани тарзда нашр этилаётган китоблардан уч баробар катта бўлиб, битикларнинг улугворлиги ҳам ушбу ўлчамга яраша эди.

Ҳозир бўлганлар табаррук тўхфани бир-бир тавоф қилиб бўлганларидан сўнг Абдували қори уни лаҳз узра ўрнатиб, бир

неча сураи муборакни қироат ила ўқиб бердилар ва қироат интиҳосида қўллари оқиб, юртбошимизнинг ота-оналари ҳақларига дуо қилиб, ўзларига Аллоҳдан бахт-саодат, узоқ умр, барча хайри ишларига ривож тиладилар. Сўзга чиққанлар ҳам шундай улуг, муқаддас совға учун юртбошимга миннатдорчилик изҳор этидилар. Шодивана интиҳосида боғи магнит тасмаларига битилган Қуръон тиловатдан парчалар қўйиб эшиттирилди.

Шайх Абдураҳмоннинг ҳазини, ширали овозлари — тиловатларини тинглар эканман, хаёллар мени мозий сари етаклади. Маълумки, Қуръони карим нозил бўлган пайларда китоб ҳолида бўлмай, Янгичек йил давомида айрим суралар ва оятлар ҳолида хаста Жаброил воситасида юборилган эди. Саҳобалар ушбу сура ва оятларни пайғамбаримиздан тинглаб, ёл олар ва айрим қороз, тери парчаларига ёзиб қўйиб эдилар. Халифа Абу-бакр Сиддиқ розаллоху анху замонларидида Қуръони китоб ҳолига келтириш эҳтиёки туғилди. Унинг бир неча нусхалари китоб ҳолида битилди. Халифа Усмон Зулиқурайн Қуръонда тафсуллар бўлиши ва турлича талқин этилиши олдини олиш мақсадида ягона тўпلامни тасниф этидилар. Ягона тўплам киши терисига етти нухса кўчирилди, шу тўплайи «Мусхаф» деб ном олди. Ушбу умумий ва ягона тўпلامнинг нусхаларидан бири замона зайти билан мозийнинг сирли сўмоқлари орқали бизнинг ўлкаларга келиб қолган эди. Мен уни бир неча бор кўриб, тавоф этиш шарафига мўъassar бўлганлигимдан бахтирмак. Мусхаф 1989 йилда мусулмонлар ихтиёрига қайтарилган кунда ҳам ўзимда бугунги ҳолатни ҳис этган эдим.

Қандай бахт, қандай шукху... Исламнинг муқаддас китоби ҳисобланмиш Қуръони каримнинг турли даврларда тасниф этилган икки буюк нухсаси менинг Ватанимда! Бу — Аллоҳнинг юртимга улуг инояти, буюк немаътидир. Бу — Ватанимнинг, юртдошларимнинг, юртбошимнинг ислом оламидаги нуфузи, обрў-эътибори даражасидир. Бу — ўтмишда ўтган фотиҳларимиз ва аллошларимизнинг бизга мерос қолдирган шайх-шақватлари ҳосиласидир.

Магнитфонда янграётган Қуръон тиловати ниҳосига етгаз, ҳозир бўлганлар қатори мен ҳам дуога қўл очиб, Аллоҳга ҳамд, Мухаммад алайҳиссаломга саволат ўқидим, ҳар икки буюк ва муқаддас китобнинг юртимизга келиб қолмишига сабабини бўлган кишилар — мозийдаги соҳибқирон фотиҳларимиз, тенги йўқ аллошаларимиз, Саудия подшоҳи Фаҳд ибн Абдулазиз аъло ҳазратлари ҳамда юртбошимиз — бизга муқаддас китоб, мустақиллик, бахт-саодат тўхфа этган Ислам Каримов аъло ҳазратлари ҳақларига дуон-фотиҳа қилдим.

Нуруллоҳон ҳожи АВДУЛЛОХОН ўғли, Қўзон шаҳридаги Исфаргувар маҳалла оқсоқоли.

1 июнь-Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кун

ОСИЁНИНГ БЎЛАЖАК ЮЛДУЗЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси болалар фонди ва «Узэксцентр» савдо-қўриқчи маркази халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига атаб шахримизнинг энг кўркам гўшаларидан бири бўлиши соҳиб Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси дам олиш зонасида болалар учун қизилқизлар тadbир ўтказишни режалаштирди.

«Осиё юлдузлари» деб аталган учрашууда Марказий Осиё давлатларининг математика, астрономия, тарих, адабиёт, химия ва экология бўйича иқтидорли болалари баҳслашадилар. Шунингдек, бу учрашууда Қозғонистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Ўзбекистонлик санъат гунаҳлари ҳам қатнашадилар. Тадбирлар дастури қизилқизлар ва ранг-барангдилар. Учрашуу қатнашчилари учун шаҳар бўйлаб саёҳат уюштирилади. Республика ўғуви-ёшлари саёҳат давомида ўз она-Ватанлари, Тошкент шаҳри ҳақида суҳбатлар ўтказадилар. Марказий Осиё республикалари ваколатхоналари ходимлари билан уч-

рашуу қатнашувчилари учун халқаро дўстлик алоқалари ассоциациясида қабул маросими бўлиб ўтади. Ойнан жаҳон ватани ҳисобланган Тошкентнинг энг баланд нуқтасида жойлашган телеминара ҳам энқурсия уюштириш дастуридан ўрин олган.

Асосий тадбирлар 1 июнь кунини ўтказилади. «Осиё юлдузлари» учрашуви қатнашчилари «Узэксцентр» дам олиш масканида ўзбекиона урф-одатларга бинноан карнай-сурайи садолари билан кутиб олинади. Учрашуу қатнашчилари «Узэксцентр» павильонларида бўлиб, янглианиш жараёни рўй бераётган мустақил республикамизнинг бугунги кунин билан танишадилар. Байрам янада қизилқизлар бўлиши учун республикамизнинг етакчи олимлари,

фан, маданият ва жамоат арбоблари билан «жозмаюз» матбуот конференциясини ўтказиш мўъжалланган. «Балли — калла» викторинасида эса учрашуу қатнашчиларига Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятига оид турли саволлар берилди ва уларнинг ўз она-Ватанларини, қардош жумҳуриятларнинг тарихи ва маданиятини қай даражада билишлари баҳоланди. Айниқса, «Кетмакет» деб аталган концерт дастурида Ўзбекистон Республикаси Улугвор фонди, Болалар фонди стипендиатлари, олимпиада ва конкурслар қолиблари, лауреатлари, жумҳурият болалари ўртасида машҳур бўлган «Томоша» театр-студияси аъзоларининг чиқишлари учрашуу қатнашчилари ва томошабинларнинг мароқли

дам олишларига катта ҳисса қўшади. Шунингдек, «Еш Навой», «Паризод», «Бизнинг исмлар» каби конкурс қолиблари ҳам муносиб тақдирландилар. Учрашууга «Узэксцентр» раҳбарияти алоҳида тайёрларли қўради. Шу кунин боғимиз ҳар қачонгидан ҳам байрамона тўса бўлади. Болаларимиз вақтининг қизилқизлари ўтказилари учун аттракционлар, савдо шохобчалари эртдан кечгача ишлайди, мультфильмлар намоиш этилади. Байрам учрашууари Ўзбекистон ойнан жаҳон дастуридан ўрин олган «Болалитим — пошполгим» байрам кўрсатувида ҳам намоиш этилади.

М. ИСМОИЛОВА, «Узэксцентр» «Ахборот-реклама» фирмаси ходими.

ЙИГИТ ЭШИГА ТЕНГ ГАЗЕТА

Чўлқуварлар дияри Сирдарё вилояти билан тенг умр кўриб келатган «Сирдарё ҳақиқати» газетаси ўзининг дунёга келишини ўттизинчи бор ишонлапти. Бир йигит эшига тенг бу даврда у чўлқуварлар билан қадамба-қадам ўсиб камол топти.

Шу давр ичиди тақдиринг жамоаси ҳар томонлама ички-«Сирдарё ҳақиқати» ўзига хос кидлар ўчоғига ҳам айланди. Ушбу тақдирингизда навлан қайраганининг энгачисини бугунги кунда амалга ошириш иқтисодий муҳитининг бошда турибдилар. Айни пайтда ҳам газета жамоаси самарали меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: газетанинг навбатдаги сони режалаштирилган пайти. Қ. НОМОЗОВ олган сурат.

ФУТБОЛ МАҲФИЯ ҲАМ ИШ БЕРМАДИ

МОСКВАНИНГ «Спартак» жамоаси Кубок оғалари кубоғи учун ярим финалда «Антверпен»га юқзаиб қўйгаз, «Советский спорт» муҳбири мағлубият сабабини Италия футболни атрофидида маҳфияга боғлаган эди. Негаки, «Антверпен»га нисбатан «Спартак» кучли бўлиб, финалда Италиянинг «Парма» жамоасини ютаб қўйиш эҳтимоли бўлган. Рус журналисти бош ҳақамнинг «Спартак» дарвозасига сабабсиз 11 метрлик берганлигини ва асосий ҳимоячи В. Онопкиннинг майдондан четлатилганлигини маҳфия фаолияти билан изоҳлаган эди. Европа чемпионлари Кубоғи учун Мюнхенда ўтказилган финал учрашувида эса Италия маҳфияси иш бермади. Жаҳон футбол юлдузларидан бири француз Жан Пьер Пален «Милан» таркибидида ўзининг қалдрон жамоасига қарши майдонга тушди. Маълумки, ўтган йилги мавсум охирида бу футболчи «Олимпик»ни ташлаб «Милан»га ўтган эди. Янгинадан олдин журналистларга берган интервьюсида «Олимпик» ҳимоячиси Б. Боли Пален устидан ғалаба қозониш истатагида енаётганлигини алоҳида таъкидлаганди. Оқибатда ҳам «Олимпик» ҳар томонлама устулик қилди ва ғалаба қозонди. Африкалик Боли эса ўйиндаги ягона тўп муаллифи бўлди.

Р. ЖУМАЕВ.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. Саторов. Навбатчи Р. Жумаев.

Газетанинг навбатдаги сони 2 июнь, чоршанба кунини чиқади.

Э Ў Л О Н



«АЖСК» Осиё темир йўл сугурта компанияси

- Темир йўл транспортида ташилган юкларни сугурта қилиш, юкларни бутун йўл давомида қўриқлаш ва қўзатиб бориш;
- Йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш;
- Ходимларни жамоат тартибда қорхона ҳисобидан бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш;
- Бинолар, иншоотлар ва мулкларни сугурта қилиш;
- Тўланмай қолиши мумкин бўлган қарзларни сугурта қилиш;
- Фуқароларнинг шахсий сугуртаси;
- Тиббиет сугуртаси;
- Турли кўринишдаги сугурта хизматларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

70061, Тошкент шаҳри, Пролетар кучаси, 30. Тел. : 33-82-89, 54-66-15, 54-57-87, 54-54-51.

ТОШКЕНТ бўлими - 700015, Тошкент, Провокзалная кўчаси, 7. Телефон: 54-48-89.

ФАРҒОНА бўлими - 713002, Қўқон, Провокзалная кўчаси, 11. Тел. 97-32-39, 97-32-32.

БУХОРО бўлими - 706100, Когон, Шевченко кўчаси, 2. Тел. 43-35-38.

ДУШАНБЕ бўлими - 734800, Душанбе, Шапкин кўчаси, 35.

ОРОЛБЎЙИ бўлими - 743800, Қўнғирот, Октябрь 40 йилга кўчаси, 74.

ТЕРМИЗ бўлими - 732902, Термиз, Провокзалная кўчаси, 70.

КАРШИ бўлими - 730006, Карши, Ленин кўчаси, 8.

«Халқ сўзи» жамоаси газетаси хўжалик бошқармаси ходими

Раҳим ҒОҒУРОВнинг бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош уруғларига чуқур ҳамдардлиқ билдиради ва уларга сабуру қаноат тилайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг жамоаси ёзувчи Нуртўхта Қиличевга ўғли Дилшод ҚИЛИЧЕВ вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг телевидение жамоаси сиёсий иқтисодий кўрсатувлар таҳририятининг катта муҳаррири Р. Рамабова отаси Ҳайитбой РАЖАВОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг телевидение жамоаси адабий-бадиий кўрсатувлар таҳририятининг бўлим мудирини Асқар Холдировга отаси Холиқ ота ҚОДИРОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳидин МУҲИДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлхўмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИНОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Мухаммадjon ҚОРАБОВ, Саидхорр ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қозғондан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.